

Бангладешнинг 9 гумбазли масжиди



14:42 / 05.06.2021 1863

Бир неча асрга тааллуқли «Бҳанга» масжиди Бангладешнинг шимоли-ғарбидаги Ниаматпур минтақасида жойлашган. Бу ҳақда Financial Express хабар беради.

Икки қаватли бино тўртта устун устига қурилган. Масжидда тўққизта гумбаз, бурчакда тўртта минора, биринчи қаватда кемерли ва иккинчи қаватда учта кемерли кириш жойлари мавжуд.

Бутун бино уч қисмга бўлинган. Қурилиш пайтида кириш жойига, очиқ майдон ва ибодат жойига, ғишт ва оҳактош ишлатилган. Декоратив хусусиятлари билан ушбу масжид бир қарашда барчанинг эътиборини тортиши мумкин.

Маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра, масжид 300-400 йил олдин қурилган ва 1980 йилги zilzila пайтида унинг бир қанча гумбазлари қисман бузилган деб тахмин қилинади.

Масжид тарихий бўлса-да, ҳали Бангладеш тарихий мероси рўйхатига киритилмаган. Сўнгги йилларда қаровсиз қолдирилгани сабабли ушбу масжид бузилиш хавфи остида.

Хуршид Маъруф тайёрлади